



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

УЎК: 633.34:631.548.3

### СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА БАҲОРГИ МУДДАТДА ЭКИЛГАН СОЯНИНГ МАҚБУЛ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Холиқов Аброр Тожимуродович**

*қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори.*

**Очилдиев Нажмиддин Нарбаевич**

*мустақил тадқиқотчи*

**Қурбонкулова Умида Хусанқизи**

*мустақил тадқиқотчи*

*Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада суғориладиган типик бўз тупроқ, баҳорги муддатларда экилган соя навлари 60x8x2, 60x10x2, 60x12x2 экиш тизимларида 16,6 пагонометрда 40-41 дона, 70x8x2, 70x10x2, 70x12x2 тизимларида 14,3 пагонометрда 35-36 дона соя ўсимлиги қолдирилиб ягоналаш ўтказилди, “Ўзбекистон-6” ҳамда “Тошкент” навларига 110-1200С, ва “Селекта-302” навлари учун 90-1000С фойдали ҳарорат йиғиндиси талаб қилинади, изланишларда соя навларининг кўчат қалинлиги мавсум бошида ва амал даври охирида баҳорги экиш муддатлари, экиш тизимлари фонида аниқланган.

**Калит сўзлар:** эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, асосий экин соя навлари, экиш тизимлари, унувчанлик, ҳарорат, баҳорги муддат, кўчат қалинликлари.

Натижа ва мунозаралар. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида соянинг “Тошкент” ҳамда “Селекта-302” навларини 60 см қатор оралиғида 60x10x2 экиш тизимида кўчат қалинлиги 332 минг туп/га, 70 см қатор оралиғида 70x10x2 экиш тизимида кўчат қалинлиги 286 минг туп/га меъёрда парваришланнинг илмий асослари ишлаб чиқилган, сояни “Тошкент” нави баҳорги муддатда 60x10x2 тизимда кўчат қалинлиги гектарига 332 минг туп ҳисобида экилганда тупроқнинг ҳажм массаси амал даври охирида ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,002-0,012 г/см<sup>3</sup>, сояни “Селекта-302” навида 0,005-0,015 г/см<sup>3</sup> яхшилангани аниқланган, сояни “Тошкент” нави 70x10x2 тизимда парваришланганда амал даври охирига келиб, амал даври бошига нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 158 м<sup>3</sup>/га, “Селекта-302” навида 104 м<sup>3</sup>/га камайгани ва тупроқнинг сув физик ҳусусиятларига ижобий таъсир қилганлиги қайд этилган, сояни “Тошкент” нави 70x10x2 тизимда экилиб, гектарига 286 минг туп кўчат қалинлигида



## **"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"**

парваришланганда ўсимликнинг бўйи 109,0 см, дуккаклар сони 47,6 дона, "Селекта-302" нави 60x10x2 тизимда гектарига 332 минг туп кўчат қалинлигида етиштирилганда ўсимликнинг бўйи 82,0 см, дуккаклар сони 35,0 донани ташкил этганлиги аниқланган, сояни "Тошкент" нави 70x10x2 ҳамда "Селекта-302" нави 60x10x2 тизимда экилганда, тупроқнинг микробиологик хоссаларига ўзига хос таъсир кўрсатиб, амал даври бошида 0-30 см қатламда фосфор парчаловчи бактериялар аниқланмаган бўлса, амал даври охирида фосфор парчаловчи бактериялар сони 7,5x10<sup>5</sup> к/г ни ташкил этган ва тупроқ микрофлораси яхшиланиши аниқланган, сояни "Тошкент" нави 70x10x2 тизимда экилиб, 286 минг туп/га кўчат қалинлигида етиштирилганда дон ҳосили 34,2 ц/га, оқсил миқдори 39,4 %, мойдорлиги 22,3 %, "Селекта-302" нави 60x10x2 экиш тизимида 332 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланганда дон ҳосили 29,8 ц/га, 1000 дона дон вазни 137,5 г, оқсил миқдори 38,5 %, мойдорлиги 21 % ни ташкил этиши аниқланган.

Соянинг асосий маҳсулотлари-бу соя уни ва мойи ҳисобланиб, соянинг ундан озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари, тўлдирувчилар, гўштнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, сут, пишлоқ ва диабет маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Материал ва услублар. Тажрибани жойлаштириш, фенологик кузатишлар, униб чиққан ниҳолларни ҳисоб-китоб қилиш ишлари ЎзПИТИнинг "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (2007) қўлланмаси асосида ўтказилди.

О.Норбековнинг (2009) илмий изланишларида Республикамизнинг барча ҳудудларига соянинг маҳаллий Орзу, Дўстлик, Юлдуз, навларини асосий ва такрорий экин сифатида экиш мумкин. Бир поғона метрда 28-30 дона уруғ ташлангани мақул. Сояни парваришlash маккажўхори агротехникаси сингари амалга оширилишини такидлаб ўтишган.

З.Ҳафизованинг (2017) фикрича, соя агротехникаси ўтказилган кўргазмали семинарда, асосий экин сифатида, соя экишни Республикамиз шароитида тупроқ ҳарорати 14 С<sup>0</sup> дан кам бўлмаган ҳолатда 15 апрелдан, 10 майгача экиш, уруғларни тупроқ намида биртекс, қийғос ундириб олиш, навларни танлашда 110-120 кун бўлган, ўсимлик бўйи 120-150 см, пастки дуккаклар тупроқ юзасидан 14-20 см баландликда жойлашган, ётиб қолишига чидамли, ҳосил бир вақтда пишиб етиладиган ва донлари тўкилмайдиган, жорий йилда экилган Селекта-302, Селекта-201 навларини такрорий экин учун 75-80 кунлик Амего, Спарта, Арлетто навларини жойлаштириш мақбул эканлигини қайд этиб ўтган. Ушбу навлар асосий экин сифатида гектарига 2,5-3,0 тонна такрорий экин сифатида 1,5-2,0 тонна сифатли соя етиштириш имконини берган.



## **"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"**


Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда мақбул кўчат қалинлигига эришиш муҳим омиллардан бири бўлиб, ҳар бир агротехник тадбирнинг самарасини оширишда энг аввало элган уруғларни қийғос ундириб олиш ҳамда тўғри агротехник тадбирлар қўллаш, озиқа майдонини ўсимлик меъёрида ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратиш келгусида юқори ҳосилдорликка эришишга замин яратади. Изланишларда соя навларининг кўчат қалинлиги мавсум бошида ва амал даври охирида баҳорги экиш муддатлари, экиш тизимлари фонида аниқланди, тадқиқот натижаларига кўра назорат вариантыда кўчат қалинлиги амал даври бошида 412 минг тупни ташкил этган бўлса, амал даври охирига келиб 408 минг тупни ташкил этганлиги кузатилди. Тошкент навида амал даври бошида 2-вариантда 411 минг тупни ташкил этган бўлса, амал охирида еса 406 минг тупни ташкил этганлиги кузатилди, шунга кўра энг мақбул, яъни сояни яхши ўсиб ривожлана оладиган даражада кўчат қалинлиги яратилиши жуда муҳимлиги кузатилди, шу сабабли тажриба вариантларида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ўсув органларини ҳисоблаш билан бирга ундаги ҳосил элементлари сони ҳам қайд этиб борилди.

Тошкент навида амал даври бошида 2-вариантда 344,4 минг тупни ташкил этган бўлса, амал охирида еса 361,1 минг тупни ташкил этганлиги кузатилди. Келгусида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаши эса олинган кўчат билан бевосита боғлиқ жараён ҳисобланади, соя ниҳоллари тўлиқ кўкариб чиққандан сўнг 60, тизимда 16,6 пагонаметрда 17-25 дона, 70, тизимда 14,3 пагонаметрда 17-25 дона соя ўсимлиги қолдирилиб ягоналаш ўтказилди, мавсум бошидан мавсум охиригача 2-3 минг туп/га атрофида туп сонининг камайиши кузатилди, бунга сабаб қатор ораларига ишлов бериш ва бошқа ташқи ички омилларнинг таъсири бўлиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра назорат вариантыда кўчат қалинлиги амал даври бошида 355,8 минг тупни ташкил этган бўлса, амал даври охирига келиб 352,8 минг тупни ташкил этганлиги кузатилди.

Малуюмотларни (1-расм 2019-2021 йил маълумотлар) дан ҳам кўришимиз мумкин. Тошкент ва Ўзбекистон-6 навига нисбатан 1-2 мартага сувга талабчанлиги кузатилди тадқиқот натижаларимизга кура об ҳаво жуда иссиб кетиш ҳисобига Россиядан келтирилган Селекта-302 нави бўлганлиги учун сувга талабчанлиги учун сувни 1 мартага кўпроқ тадқиқотларимизда олиб борилган тажрибаларда кузатиб борилганлиги ҳисобига ундан кейин яна кузда экин экиш имконияти борлиги аниқланди.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"



### 1-Соё навларининг мақбул кўчат қалинлиги

Хулоса. Олинган уч йиллик натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, соё навларидан Россия давлатидан келтирилган Селекта-302 нави эртапишар эканлигидан далолат беради ва баҳорги экиндан кейин йиғиштириб олингандан кейин ҳам кузда яна экин экиш имкониятини яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007 й.
2. Норбеков О. Соё-келтиради сармоя. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №. Тошкент-2009 й. 7 б
3. Ҳафизова З. Соё мамлакатимизда оммалашмоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали № 9. Тошкент-2017 й. 34 б.